

Аллоҳнинг аҳдига хиёнат қилманглар



13:35 / 26.07.2020 3152

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким намозимизни ўқиса, қибламизга юзланса ва сўйган (гўштимиз)ни еса, бас, ўша Аллоҳнинг зиммасидаги ва Унинг Расулининг зиммасидаги мусулмондир. Бас, Аллоҳнинг аҳдига хиёнат қилманглар», дедилар».

Шарҳ: «Қибла» луғатда «қаршида, рўпарада турган нарса» дегани. Намозда Каъбаи муаззама намозхоннинг юзланадиган томони бўлганлиги учун «қибла» дейилади.

«Зимма» эса «аҳд», «омон» деганидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

«Ким намозимизни ўқиса» деб айтганлари «ким биз ўқиган намозни ўқиса», деганларидир. Муслмонларнинг намозини ўқиб, улар каби тавҳидга ва пайғамбарларга иймон келтирган киши Аллоҳдан келган барча нарсаларга иймон келтирган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам намоз Ислom динининг бош белгиси дейилади. Калимаи шаҳодат эса намоз ичида борлиги учун зикр қилинмаган.

«Қибламизга юзланса».

Қиблага юзланиш намознинг ичида бор бўлиб, унинг фарзларидан эканлигига қарамай, алоҳида зикр қилинишининг ўз ҳикмати бор.

Бошқа динларда ҳам ўзига хос намоз мавжуд. Аммо Каъбани қибла қилиб олиш фақат Ислom аҳлига хос. Шунинг учун қибла алоҳида зикр қилинмоқда. Чунки қибла бўлмаса, намоз ҳам бўлмайди.

Мана шу икки нарса — намоз ва қибла муслмонларни ибодатда бошқалардан ажратиб туради.

Ҳадиснинг давомида муслмонларни бошқалардан ажратиб турадиган одатлардан яна бири зикр қилиниб:

«ва сўйган (гўштимиз)ни еса» дейилмоқда.

Муслмонларни бошқалардан ажратиб турадиган нарсалардан бири Аллоҳнинг номи айтиб сўйилган гўштни ейишдир.

Демак, кишининг муслмонлигига зоҳирдан далил бўладиган нарсалардан бири – унинг Аллоҳнинг исми айтилиб сўйилган гўштни истеъмол қилиши экан.

Ким намоз ўқиса, қиблага юзланса ва Аллоҳнинг номи айтилиб сўйилган гўштни еса:

«Бас, ўша Аллоҳнинг зиммасидаги ва Унинг Расулининг зиммасидаги муслмондир».

Яъни, Аллоҳнинг ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг омонидаги муслмон бўлиб, унга ҳеч ким тега олмайди. У муслмонлар фойдаланадиган барча имтиёзлардан фойдаланади.

«Бас, Аллоҳнинг аҳдига хиёнат қилманглар», дедилар».

Яъни, мазкур одамга ғайримусулмонга қилинадиган муомалани қилманглар.

Демак, муслмон бўлиб, муслмонча тақдир ва муомалага эришиш учун намоз ўқиш, қиблага юзланиш ва Аллоҳнинг номи айтиб сўйилган ҳайвон гўштидан ейиш керак экан.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан